



## ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИ БОШҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИ: БОШҚАРУВ СТРАТЕГИЯСИ ВА УНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗИМЛАРИ

*Азимова Лола Сафаровна -*

*Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти  
“Корпоратив бошқарув” кафедраси кат. ўқит*

[https://doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss1/a48](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a48)

**Аннотация.** Мақолада озиқ-овқат саноат корхоналарнинг бошқарув стратегиялари самарадорлиги, унга таъсир қилувчи омиллар, корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш йўллари ҳамда бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш масалалари ёритиб берилган.

**Таянч сўзлар:** бошқарув стратегияси, рақобатбардошлик, самарадорлик, бошқарув самарадорлигини баҳолаш, ижтимоий самарадорлик, инновация, стратегия, корхона барқарорлиги.

## ЭФФЕКТИВНОСТЬ УПРАВЛЕНИЯ ПРЕДПРИЯТИЯМИ ПИЩЕВОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ: СТРАТЕГИЯ УПРАВЛЕНИЯ И ЕЕ ОРГАНИЗАЦИОННО-ЭКОНОМИЧЕСКИЕ МЕХАНИЗМЫ

*Азимова Лола Сафаровна -*

*старший преподаватель кафедры корпоративного управления  
Ташкентского института текстильной и легкой промышленности*

**Аннотация.** В статье рассматривается эффективность стратегий управления предприятиями пищевой промышленности, факторы, влияющие на нее, пути повышения конкурентоспособности предприятий, а также вопросы совершенствования организационно-экономических механизмов управления.

**Ключевые слова:** стратегия управления, конкурентоспособность, эффективность, оценка эффективности управления, социальная эффективность, инновации, стратегия, стабильность предприятия.

## EFFICIENCY OF MANAGEMENT OF FOOD INDUSTRY ENTERPRISES: MANAGEMENT STRATEGY AND ITS ORGANIZATIONAL AND ECONOMIC MECHANISMS

*Azimova Lola Safarovna -*

*Senior Lecturer, Department of Corporate Governance,  
Tashkent Institute of Textile and Light Industry*

**Abstract:** This article discusses the effectiveness of management strategies of food industry enterprises, factors influencing it, ways to increase the competitiveness of enterprises, as well as issues of improving organizational and economic mechanisms of management.

**Key words:** management strategy, competitiveness, efficiency, assessment of management efficiency, social efficiency, innovation, strategy, enterprise stability.

**Кириш.** Ҳозирги кунда озиқ-овқат саноат корхоналари амалиётида бошқарув стратегиясининг аҳамияти ортиб бормоқда. Бу уларнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини кенгайтириш ҳамда ўзларининг иқтисодий аҳволи учун жавобгарликлари даражасининг ошганлиги билан боғлиқдир. Замоनावий бошқаришнинг сифати корхоналар самарадорлигини белгилаб беради. Шу боис озиқ-овқат саноат корхоналарига энг замонавий техника ва технологияларни жалб этиш бугунги кундаги устувор вазифалардан бири саналади.

Бугунги глобаллашув шароитида озиқ-овқат саноат корхоналарининг кўпчилиги ўз тараққиётининг ривожланиш концепциясини, стратегиясини ҳамда дастурини ишлаб чиқиши зарур ҳисобланади.

Ҳар бир саноат корхонасининг узоқ муддатли ютуқлари ишлаб чиқилган бошқарув стратегиялари ва ривожланиш дастурларига боғлиқ. Агар корхоналарнинг бошқарув ва ривож-

ланиш стратегиялари ишлаб чиқилмаган бўлмаса, у ёки бу хатоликлар билан ишлаб чиқилган бўлса, бу ҳол озиқ-овқат саноат корхоналарига бозорда барқарор ва мустақкам ўрин эгаллаш учун имкон бермайди. Замоनावий илм-фан ва амалиёт стратегик режалаштириш ҳамда бошқаришнинг катта тажрибасига эга, аммо кўпгина стратегиялар ҳалигача ташқи ва ички муҳитнинг ўзгарувчан шарт-шароитларига мослаша олмаяпти. Бу ҳали ҳанузгача стратегик бошқаришнинг барча муаммолари ҳам ўз ечимини топмаганлигини кўрсатадики, бундай ҳол, биринчи навбатда, корхона ривожланиши стратегик бошқарув механизмларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ саналади.

2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳам «Миллий иқтисодий барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириб, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқа-

риш ҳажмини 1,4 бараварга ошириш, озиқ-овқат саноатини ривожлантириш дастурини амалга ошириш» каби устувор вазифалар белгиланган[1]. Ушбу вазифаларнинг самарали ижроси ишлаб чиқариш корхоналари хусусан, озиқ-овқат саноат корхоналари фаолиятини замонавий бошқарув механизмларини такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишни тақазо этади.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Корхоналар бошқарувининг назарий асослари ҳамда уларнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш масалалари хорижий мамлакатларда П.Друкер, К.Gerasimov, O.Gorb, I.Yasnob, N.Protsiuk[2,3,4] ва бошқа тадқиқотчиларнинг илмий ишларида ўз аксини топган.

Шунингдек, хорижлик олимлар Р.С.Каплан, Д.П.Нортон асарларида ҳам бошқарув стратегияси тизимида корхонанинг самарадорлигини ошириш ва иқтисодий фаолиятини ривожлантириш масалалари кенг ёритилган[5]. Бу олимларнинг қарашларида асосий эътибор, стратегик бошқарув тизимини корхона ва ташкилот учун асосий хусусиятларини, унинг самарадорлигини баҳолашга қаратилган.

М.Портер ёндашувларида компанияларнинг ривожланишида инновацияларнинг ўрни, уларни қўллаш хусусиятлари, компаниянинг барқарор ривожлантирилишига фақат инновацияларни доимий равишда жорий этиш ҳамда компанияларнинг рақобат устунлигига эришишларида инновациянинг таъсири масалалари тадқиқ этилган[6].

И.Ансоффнинг ёндашувларида бошқарув стратегияси тизимида корхонанинг истиқболларини ўрганиш ва уларга таъсир қилувчи омилларни баҳолаш муҳим ўрин тутди [7]. Унинг эътиборида корхона доим риск билан ишлаши, унинг узоқ муддатли фаолияти учун прогнозлар тузиш, экстраполяция усулини қўллаш зарур.

Р.С.Муратов, И.А.Джалолова, С.Ш.Ориповнинг ёндашувларида корхона алоҳида объект сифатида қаралиб, унинг мазмун ва моҳияти, унга қўйиладиган талаблар, кўрсаткичлар тизими, молиявий барқарорлиги ва бошқаруви масалалари атрофлича ёритиб берилган[8]. Корхоналар бошқаруви ва уларга қўйиладиган талаблар, тамойиллар, бошқарув шакллари баҳолаб берилган.

Р.Р.Абдураупов ёндашувларида Ўзбекистонда хорижий инвестицияли корхоналар иқтисодий салоҳиятини бошқариш механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий ёндашувларга алоҳида эътибор қаратилган[9].

И.О.Улашев, Ш.А.Атамурадовнинг илмий ёндашувларида корхоналар фаолиятини бошқариш механизми муаммолари, уларни ечиш бўйича таклифлар, бошқарув усуллари, бошқарувда оптимал вариантни танлаш, бошқарув самарадорлигини баҳолаш каби масалалар ёритиб берилган[10].

Г.Ш.Хонкельдиева илмий изланишларида корпорацияларни бошқариш, ташкилий-иқтисодий кўрсаткичларини баҳолаш, рағбатлантириш ва самарадорлигини ошириш йўналишлари ёритилган[11]. Халқаро тажрибалар дан келиб чиқиб, корпоратив бошқарувни замонавий усулларида фойдаланиш йўллари, миллий тузилмаларни шакллантириш, иқтисодий кўрсаткичларни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Олиб борилган илмий тадқиқот ишлари ва ишлаб чиқилган илмий-назарий изланишларга қарамай, айнан бугунги глобаллашув ва рақамли иқтисодиёт шароитида бошқарув стратегияси тизимида озиқ-овқат саноат корхоналарининг самарадорлигини ошириш ва иқтисодий фаолиятини ривожлантиришга таъсир қилувчи омилларни баҳолашга қаратилган масалалар тизимли ҳолда ёритиб берилмаган.

**Тадқиқот методологияси.** Ҳозирги шароитда миллий иқтисодиётимизни ўсишини таъминлаш учун озиқ-овқат саноати корхоналарининг бошқарув, интеллектуал, рақамли, инновацион ва тадбиркорлик салоҳиятларини баҳолаш методикасини ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади. Хусусан, кейинги йилларда озиқ-овқат саноати корхоналарида бошқарув самарадорликни ошириш ва рақобатбардошликни таъминлашда айнан фан, таълим, инновациялар ва ахборот коммуникация тизимлари муҳим аҳамият касб этмоқда. Корхонада замонавий бошқарув стратегияси инновацион рақамли технологияларни кенг жорий этиш билан тавсифланар экан, озиқ-овқат саноати корхоналарида ишлаб чиқаришни такомиллаштириш билан боғлиқ технологик модернизациялаш жараёнлари корхона иқтисодий ўсишни таъминлашнинг асосий омилига айланмоқда.

Мақоланинг назарий ва услубий асоси сифатида умумиқтисодий адабиётлар ҳамда илмий мақолалар, хорижий ва республикамиз иқтисодчи олимларнинг корхоналарни бошқарув стратегияси масалалари бўйича илмий изланишлари, олимлар ва соҳа вакиллари билан суҳбат, уларнинг ёзма ва оғзаки фикр-мулоҳазаларини таҳлил қилиш, эксперт баҳолаш, жараёнларни кузатиш, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга тизимли ёндашув, муаллиф тажрибалари билан қиёсий таҳлил ўтказиш орқали тегишли йўналишларда хулоса, таклиф ва тавсиялар берилган. Мавзунини ўрганиш жараёнида умумиқтисодий усуллар билан бир қаторда маълумотларни тизимлаш бўйича махсус ёндашувлар, яъни таққослаш, назарий ва амалий материалларни

жамлаш ҳамда тизимли таҳлил каби усуллар қўлланилган.

**Таҳлил ва натижалар.** Озиқ-овқат саноат корхоналари инновацион бошқарув стратегияси самарадорлигини баҳолаш услубиётларини таҳлил қилишдан аввал самарадорлик ва бошқарув стратегияси тушунчаларининг мазмунига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Таҳлилларга кўра, самара тушунчаси лотинча “Effectus” сўзидан олинган бўлиб, ҳар қандай хатти-ҳаракатнинг якуний натижасини ифодалайди. Самарадорлик тушунчаси эса иқтисодий категория сифатида кўзланган мақсадларга эришишнинг нисбий кўрсаткичларини тавсифлайди. Аксарият ҳолатларда корхоналар бошқаруви амалиётида унинг самарадорлиги кўрсаткичини баҳолашда эришилган натижа ва харажатлар ўртасидаги нисбатга асосланади. Шунингдек, ушбу кўрсаткични баҳолашнинг тизимли ёндашувида эса кутилаётган ва эришилган натижалар ўзаро қиёсий таққосланган ҳолда амалга оширилади[8].

Юқорида келтирилган самарадорлик кўрсаткичини баҳолаш услубиётлари турли ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг самарадорлигини баҳолашда қўлланилади. Шунингдек, улар фойдаланиш учун осонлиги билан ажралиб туради.

Бошқарув стратегияси эса корхонанинг узоқ муддатли ютуқлари ишлаб чиқилган стратегияга боғлиқ бўлади. Агар корхонанинг бошқарув стратегияси ишлаб чиқилмаган бўлса, у ёки бу хатоликлар билан ишлаб чиқилган бўлса, бу ҳол корхонага бозорда барқарор ва мустаҳкам ўрин эгаллаш учун имкон бермайди. Замонавий илм-фан ва амалиёт стратегик режалаштириш ҳамда бошқаришнинг катта тажрибасига эга, аммо кўпгина стратегиялар ҳалигача ташқи ва ички муҳитнинг ўзгарувчан шарт-шароитларига мослаша олмаяпти. Бу ҳали ҳанузгача бошқарув стратегиясишнинг барча муаммолари ҳам ўз ечимини топмаганлигини кўрсатадики, бундай ҳолат, биринчи навбатда, корхона ривожланиши стратегик бошқарувиининг аниқ механизмларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ саналади.

Озиқ-овқат саноат корхоналари инновацион бошқарув стратегияси самарадорлигини баҳолаш нисбатан мураккаброқ бўлиб, бунда корхонанинг инновацион фаолияти натижалари, яъни корхона бошқаруви амалиётида илмий тадқиқот натижаларида фойдаланиш, янги инновацион маҳсулотни ишлаб чиқариш, ишлаб чиқаришни ташкил этишда янги рақамли технологиялардан фойдаланиш ҳисобига шакланган корхона ихтиёрида қолган қўшимча фойдани аниқлаш мумкин бўлади.

Таҳлилларга кўра, аксарият илмий тадқиқотларда корхона инновацион бошқарув стратегияси самарадорлигини баҳолашда инновацион фаолиятга йўналтирилган инвестициялар ҳажми билан инновацион фаолият натижасида эришилган натижалар қиёсий таҳлиliga асосланади[9]. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мазкур ёндашув асосида озиқ-овқат саноат корхоналари инновацион бошқарув стратегияси ёки унинг инновацион ривожланиш кўрсаткичлари самарадорлигини баҳолаш жараёнида жорий даврдаги корхонанинг инновацион ва инвестицион фаолиятига баҳо бериш мумкин бўлади. Ушбу ҳолат корхонанинг инновацион бошқарув стратегияси самарадорлигини тўлиқ баҳолаш имконини бермайди. Чунки инвестицияларнинг қопланиш муддати корхона инновацион фаолияти юқори натижаларга эришган ҳолдагина 1-3 йил ичида қопланиши мумкин, бу эса инновацион фаолиятга йўналтирилган харажатларни қопланиш муддатларини ўзида акс эттиради.

Таҳлилларимиз кўрсатишича, озиқ-овқат саноат корхоналари бошқарув фаолиятини баҳолаш амалиёти бошқарув субъекти ва унинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда турли шаклларда амалга оширилиши мумкин бўлади (1-жадвал). Озиқ-овқат саноат корхоналари бошқарув фаолиятини баҳолашнинг бошқарув субъекти бўйича мақсадларини таҳлил қилиш асосида миллий иқтисодиёт тармоғидаги маълум бир корхонанинг инновацион бошқаруви амалиётини ривожлантириш орқали бутун мамлакат иқтисодиётини инновацион ривожланиш йўлига ўтказиш мумкинлиги аниқланди. Рақобатлашган бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик фаолияти юритувчи корхоналар томонидан бозорда юқори фойдани олишга бўлган интилиш кучли бўлганлиги сабабли рақобатчи корхоналар томонидан ҳам инновацион бошқарув амалиётини жорий этиш ҳисобига кумулятив самарага эришилади.

Иқтисодчи олимлар томонидан озиқ-овқат саноат корхоналари инновацион бошқарув стратегиясини ташкил этиш асосида эришилган самарадорлик кўрсаткичларини турли гуруҳларга ажратишга қаратилган қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Жумладан, инновацион бошқарув назарияларининг шаклланишининг илк босқичларида корхона инновацион бошқаруви натижасида иқтисодий, илмий-техник ва ижтимоий самарадорликка эришиш мумкинлиги асосланган. Кейинчалик жаҳонда глобал иқлим ўзгаришлари авж олиши натижасида маҳсулот (товар ва хизматлар) ишлаб чиқариш жараёнига инновацияларни жорий этишнинг экологик самарадорлиги кўрсаткичлари ҳам баҳолана бошлади.

**Озиқ-овқат саноат корхоналари бошқарув самарадорлигини баҳолашнинг субъектив мақсадлари**

| Бошқарув субъекти                    | Баҳолаш мақсади   |
|--------------------------------------|---|
| Корхона                              | Озиқ-овқат саноат корхоналарининг инновацион ривожланиши бўйича дастурлари ва стратегиясига мувофиқ амалиётга жорий этилаётган инновацион лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичларини баҳолаш;<br>Озиқ-овқат саноат корхоналарининг бошқарув амалиётида жорий этилаётган инновацион лойиҳаларнинг унинг рақобатбардошлиги кўрсаткичига таъсирини баҳолаш;<br>Озиқ-овқат саноат корхоналари томонидан амалиётга жорий этилиши режалаштирилаётган инновацион лойиҳаларнинг корхона эгалигидаги чекланган инновацион ресурсларга мосини танлаш |
| Корхонанинг бозордаги контрагентлари | Озиқ-овқат саноат корхоналарининг инновацион салоҳиятини баҳолаш орқали инновацион лойиҳани амалиётга жорий этиш бўйича мос бўлган ҳамкорларни топиш  |
| Корхона рақобатчилари                | Озиқ-овқат саноат корхоналари томонидан жорий этилиши режалаштирилаётган инновацион лойиҳаларни бошқа рақобатчи корхоналарнинг инновацион стратегиялари ва уларда амалга оширилаётган инновацион лойиҳалардан фарқли, шунингдек, устунлик жиҳатларини аниқлаш   |
| Инвестицион ташкилотлар              | Инновацион лойиҳа амалга оширилаётган озиқ-овқат саноат корхоналарининг инвестицион самарадорлиги кўрсаткичларини таҳлил қилиш асосида белгиланган муддатларда корхона инновацион фаолиятига капитал куйилмаларини шакллантириш   |
| Давлат бошқарув органи               | Инновацион ишланмаларни молиялаштириш бўйича субсидиялаш амалиётининг мақсадлилигини таъминлаш;<br>Давлат томонидан корхоналарнинг инновацион фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга қаратилган преференцияларни тақдим этиш орқали мамлакат иқтисодиётини инновацион ривожланиш йўлига ўтказиш  |

*Манба: муаллиф томонидан тузилган.*

Таҳлилларимизга кўра, озиқ-овқат саноат корхоналари бошқарувининг иқтисодий ва илмий-техник самарадорлиги кўрсаткичларини баҳолаш моддий аҳамият касб этганлиги ҳисобига нисбатан осон бўлиб, бунда инновацион лойиҳани амалиётга жорий этишнинг ресурс таъминоти ва натижавий кўрсаткичлари ўзгаришига асосланилади. Шунингдек, озиқ-овқат саноат корхоналари бошқарувининг ижтимоий ва экологик самарадорлиги кўрсаткичини баҳолаш бир мунча мураккаб бўлиб, ушбу кўрсат-

кичлар номоддий аҳамиятга эга эканлиги сабабли, сифат кўрсаткичларидаги ўзгаришлар билан баҳоланади. Хусусан, ижтимоий самарадорлик ходимларнинг иш ҳақи, иш ўринлари сонининг ортиши билан ифодаланса, экологик самарадорлик кўрсаткичлари ишлаб чиқаришда чиқинди чиқиш ҳажмининг пасайиши, корхона ишлаб чиқариш жараёнининг атроф муҳитга салбий таъсирини камайиши орқали намоён бўлади (2-жадвал).

**Озиқ-овқат саноат корхоналари бошқарув самарадорлиги кўрсаткичларининг гуруҳланиши [27]**

| Эришиладиган самарадорлик тури | Самарадорликни тавсифловчи кўрсаткичлар   |
|--------------------------------|---|
| Иқтисодий                      | Инновацион лойиҳани жорий этиш асосида корхона даромади ҳажмининг ортиши;<br>Корхона ва у томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобатбардошлиги кўрсаткичининг яхшиланиши;<br>Корхонада ишлаб чиқариш омиллари қайтими ҳажмининг ортиши                            |
| Илмий-техник                   | Корхона персоналининг илмий-интеллектуал салоҳиятининг ортиши;<br>Корхона ва унинг ёлланма ходимларининг инновацион лойиҳаларни амалга ошириш бўйича тажрибасининг ортиши;<br>Корхонада ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этишнинг самарадорлиги кўрсаткичининг ортиши    |
| Ижтимоий                       | Ёлланма ходимларнинг иш ҳақи ортиши ва корхонада меҳнат шартшароитларининг яхшиланиши;<br>Корхонада қўшимча янги иш ўринлари сонининг ортиши ва уларнинг барқарорлиги;<br>Корхона ходимлари малакасини ошириш, жумладан, уларни ўқитиш, касбий маҳоратини ошириш ва ҳ.к   |
| Экологик                       | Маҳсулот ишлаб чиқаришда чиқиндилар ҳажмининг камайиши'<br>Ишлаб чиқариш жараёнида атроф муҳитга зарарли бўлган турли заҳарли моддалар ва газлар ажралиб чиқиши ҳажмининг камайиши;<br>Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг (товар ва хизматлар) экологик жиҳатдан софлиги |

**Хулоса ва таклифлар.** Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, озиқ-овқат саноат корхоналарини бошқаришда юқори самарадорликка эришиш учун, энг аввало, бошқарув стратегиясининг аниқ ишлаб чиқилган мақсадлари, шунингдек, воситалари ва унга эришиш усуллари аниқ белгилаб олиш зарур. Юқори сифатли, харидор-гир ва рақобатбардош озиқ-овқат маҳсулотларни энг кам харажатлар асосида ишлаб чиқариш энг кўп даромад олишни таъминлаб, корхона инқирозга учрашдан сақлайди ҳамда ҳар бир озиқ-овқат саноат корхоналарининг асосий вазифаси ҳисобланади. Корхона бошқарувнинг барча вазифалари ушбу стратегик мақсадни амалга оширишга хизмат қилиши лозим. Бошқарувнинг самарадорлигига кўп жиҳатдан озиқ-овқат саноат корхоналари олдида кўйилган мақсадлар ва бажарилиши лозим бўлган вазифаларнинг ўзаро муносабатлари ёрдамида эришилади.

Озиқ-овқат саноат корхоналарининг бошқарув стратегияси иқтисодий салоҳиятини ошириш, мавжуд салоҳиятдан самарали фойдала-

ниш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

- озиқ-овқат саноати корхоналарида мавжуд ишлаб чиқариш технологияларини модернизациялаш тадбирларини изчил амалга ошириш;

- озиқ-овқат саноат корхоналари бошқарув фаолиятига рақамли технологиялар кенг жорий этиш;

- озиқ-овқат саноатига инновацион технологияларни, хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этишни жадаллаштириш.

Шунингдек, рақамли иқтисодиёт шароитларда ҳар бир озиқ-овқат саноат корхонаси ўз рақобатбардошлигини оширишга ҳаракат қилади. Бунда озиқ-овқат саноат корхоналарида бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари алоҳида ўрин тутаяди, механизм белги-ланган вақтда ресурслардан фойдаланишни оптимал миқдорини ишлаб чиқиш орқали кўзланган мақсадларга эришишга имкон беради.

**Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022 – 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармони. 2022 йил 28 январь, ПФ-60-сон.
2. Друкер Питер Ф. Задачи менеджмента в XXI веке: пер. с англ. – М.: Вильямс, 2002. 128 с.
3. Gerasimov K.B. The model and control mechanism in the economic system of type "organization". Actual problems of modern science. 2013. no 1. pp. 47–54.
4. Gorb O.A., Yasnolob I.A., Protsiuk N.Y. Organizational-economic mechanism of management of food industry enterprises competitiveness. Annals of agrarian science 14 (2016) 191-195.
5. Каплан Р.С., Нортоп Д.П. Организованная на стратегию. Как в новой бизнес-среде преуспевают организации, применяющие сбалансированную систему показателей/пер.сангл. – М.: ЗАО Олимп-Бизнес. 2004-416 с.
6. Портер М. Международная конкуренция: Пер. с англ./ Под.ред. В.Д. Щетинина. –М. Международные отношения, 1993. –64 с;
7. Улашев И.О., Атамурадов Ш.А. Корхона иқтисодиёти ва менежменти. Ўқув қўлланма. – Тошкент, 2013. 24-б.
8. Хонкельдиева Г.Ш. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корпорацияларни бошқаришнинг илмий-методологик асослари. Иқт.фанлари доктори илм.дараж. олиш учун ёзилган дисс. автореф. –Тошкент, 2018. -71 б.
9. Ансофф И. Стратегическое управление. – М.: Экономика, 1989. – 358 с.
10. Муратов Р.С., Джалолова И.А., Орипов С.Ш. Корхона иқтисодиёти. Дарслик. –Тошкент, 2014. 35-б.
11. Абдурауфов Р.Р. Ўзбекистонда хорижий инвестицияли корхоналар иқтисодий салоҳиятини бошқариш механизмларини такомиллаштириш. Иқт.фанлари доктори илм.дараж. олиш учун ёзилган дисс. автореф. – Тошкент, 2017 й. -70 б.
12. Евдокимова Т.В. Анализ генезиса теоретических подходов к понятию и оценка эффективности. // Вестник Томского государственного университета, 2013. - № 3. – С. 22-27
13. Гонин В.Н., Кашурников А.Н. Совершенствование методики оценки эффективности инновационной деятельности предприятий электроэнергетики региона в условиях ограниченных ресурсов. // Вестник Забайкальского государственного университета, 2013. - № 3 (94). – с. 124-131
14. Хомидов К.К. (2019). Перспективный комплекс экономики Узбекистана. // Современная мировая экономика: проблемы и перспективы в эпоху развития цифровых технологий и биотехнологии (pp. 54-56).
15. Хомидов К.К. (2019). Socioeconomic characteristics of employment in Uzbekistan. Инновационная наука, (7-8), 64-66.
16. Xomidov Q. (2020). Iqtisodiyotni investitsiyaviy jozibadorligini oshirishda erkin iqtisodiy zonalarini rivojlantirishning ahamiyati. //Sciencweb academic papers collection.
17. Xomidov Q. (2019) Aholi bandligi ta'minlash – iqtisodiy munosabatlarning muhim omili. //Sciencweb academic papers collection.
18. Xomidov Q. (2019) Iqtisodiyotimizni raqobatbardoshligini oshirishda innovatsion tadbirkorlikning o'ri va ahamiyati. //Sciencweb academic papers collection.
19. Akhmedova N.K., & ugli Homidov K.K. (2022) Institutional Basis of Digitalization of Management Activity of Food Industry Enterprises in Uzbekistan. American Journal of Economics and Business Management, 5(11), 34-38.
20. Хомидов Қ.Қ. (2022) Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлиги таъминлаш масалалари. Talqin va tadqiqotlar ilmiy-uslubiy jurnali, 1(13), 10-15.
21. Xomidov Q. (2019). Цифровая экономика – путь к совершенству. //Sciencweb academic papers collection.
22. Xomidov Q. (2018). Ускоренно развивающиеся отрасли экономики Республики Узбекистан. //Sciencweb academic papers collection.
23. Homidov K.K. (2022) Issues of ensuring food security in Uzbekistan. Scientific Impulse, 1(4), 1529-1534.
24. Homidov K.K. (2022). Improvement of Organizational and Economic Mechanisms of Management in Food Industry Enterprises in Innovative Development of the Economy. American Journal of Economics and Business Management, 5(11), 50-55.
25. Xomidov Q. (2019). Кластер – действенный инструмент конкурентоспособности региона. //Sciencweb academic papers collection.
26. Хомидов К. (2022) Повышение доходов производителей.
27. Завлин П.Н., Васильев А.В. Оценка эффективности инноваций. – СПб.: Изд-во «Дом Бизнес-пресса», 1998. – 216 с.; Фатхудинов Р.А. Инновационный менеджмент. – СПб.: Питер, 2013. – 448 с. маълумотлари асосида тузилган.